O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 7 апрель, чоршанба • № 28 (11.111) • Эркин нархда сотилади

МДҲ: ИСЛОМ КАРИМОВ ҒОЯЛАРИНИНГ ЯНА БИР ЭЪТИРОФИ

ИЛГАРИ хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг Россия Федерацияси пойтахтида бўлиб ўтган навбатдаги саммитида иштирок этиб қайтди.

Ташриф якунлари ҳақида сўз бошлашдан олдин, даставвал, олий даражадаги учрашувнинг натижаларига тўхталиш жоиздир. Таъкидлаш лозимки, Москва саммитида бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Хусусан, МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг ҳамдўстликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида декларацияси ҳамда 1994 йил 15 апрелдаги эркин савдо зонаси яратиш ҳақидаги битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги протокол имзоланди, МДҲ органларида раислик тартиби тўғрисидаги қарор ва жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш борасидаги концепция қабул қилинди. Диққатга молик яна бир муҳим ўзгариш ҳамдўстлик ижроия котибиятини тубдан ислоҳ қилиш борасидаги келишувдир. Юртбошимиз Москва саммити сафари олдидан журналистларга берган интервьюсида

(Давоми 2-бетда).

Унвон

ОЛИМЛАРНИНГ ДЎСТИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланди.

Ўзбекистон раҳбари бу юксак унвонга республикада кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиққанлиги ва амалга ошираётганлиги учун сазовор бўлди.

1997 йилда қабул қилинган мазкур дастур узлуксиз таълим модели бўлиб, шахс манфаатларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит ва таъсирчан механизмни яратиш унинг марказида туради.

Республикада туб ўзгаришларни ҳаракатлантирувчи куч — инсоннинг бирламчи принципларини ҳаётга тадбиқ этиш бўлиб, у Ўзбекистон таълим моделининг энг муҳим вазифасидир. Дастур ёшларнинг мактабгача бўлган бутун бир даврни қамраб олади. Бунда тўққиз йиллик умумтаълим ва уч йиллик махсус таҳсил — мажбурийдир.

Президент Ислом Каримов ўз китоблари, мақолалари, маърузаларида таълимнинг устуворлиги ва уни янада демократлаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Ўзбекистон раҳбари жаҳон қиёфаси яхлитлиги, юксак маънавият ва башарий тафаккурнинг асоси бўлмиш таълимни ижтимоийлаштиришни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Республикада қатор янги университетлар ва институтлар очилди, етакчи олий таълим даргоҳлари ҳар томонлама мустаҳкамланди.

1998 йилда 35та янги коллеж қуриб ишга туширилди, жорий ва келгуси йилларда яна 317та лицей ҳамда коллеж барпо этилади. 1999 йилда республика ялпи ички маҳсулотининг 8,1 фоизи таълим соҳасига йўналтирилиши, ўтган йил бу улуш 7,6 фоизга тенг бўлгани эътиборга олинса, лицей ва коллежларни қуриш режалари бажарилиши равшан бўлади.

Таълимнинг янги усуллари орасида — Тошкент Иқтисодиёт университети ҳузуридаги бизнес таълими, Молия институти қошидаги солиқ органлари учун кадрлар тайёрлаш маркази тузилмалари алоҳида диққатга сазовор. Ўзбекистон ёшлари жаҳоннинг энг нуфузли университетларига таълим олиш учун юборилмоқда.

Валерий БИРЮКОВ,
Тошкент.
(«Труд» газетаси 1999 йил, 2 апрель сони).

Вилоят ҳаёти

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ТАЛАБАЛАР МАМНУН

КАДРЛАР тайёрлаш миллий дастурига кўра Бекобод шаҳридаги 11-касб-ҳунар мактабида ихтисосликлар бўйича йўналиш услубиятлари янада такомиллашди.

35 йилдан буён талабаларни тикувчилик, бичиқчилик, попопчилик, сартарошлик ҳунарига ўргатиб келаётган билим даргоҳида радио-телемеханика курси ҳам фаолият кўрсата бошлади.

— Бизда мутахассислар шаҳар эҳтиёжидан келиб чиқиб тайёрланмоқда, — дейди мактаб директори Тимур Зикриллаев, — ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уларга Сабура Қосимова, Роза Тен, Нина Полковникова, Наталья Ким, Сорахон Элчиева каби малакали ўқитувчилар дарс беришмоқда. Замонавий жиҳозланган 22 хонадан иборат 3 қаватли ўқув бинодан ташқари, 200 ўринли ётоқхона, спорт мажмуи, клуб, 210 ўринли ошхона, бой кутубхонамиз ҳам бор.

Беш гектарлик майдонда жойлашган бу масканда оромгоҳ, хиёбонлар ҳам яратилган.

Шаҳло БЕКНАЗАРОВА.

ҚУВВАТ «ҚОРАҚАЛПОҚ»ДАН ТАРҚАЛАДИ

ВИЛОЯТ электр тармоқлари корхонаси тизимида бунёдкорлик ишлари режа асосида олиб борилмоқда.

Хусусан, Паркент туманининг «Қорақалпоқ» қишлоғига яқин жойда минтақаларо ёрдамчи станциянинг ишга тушишига яқин қолди. Бу ерда капитал қурилиш бўйича корхона директори ўринбосари Одилжон Дониёров бошчилигидаги бригада суръатга-суръат қўшиб ишламоқда.

Мазкур станция Тошкент, Янги Ангрен ва Сирдарё ГРЭСлари электр қувватини ўзида жамлаб, пойтахтимизга ҳамда Чирчиқ шаҳрига тақсимлаб беришга мўлжалланган.

Саид ВАЛИЕВ.

ЎЗЛАРИ ЎЗЛАШТИРИШДИ

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати корхоналарида қазиб чиқарилаётган маъданлардан турли хил металлар ажратиб олинади.

Кадмий ва молибден эса шу вақтгача тўла саралаб олинмасди. Натижада, таркибида шундай қимматбаҳо кимёвий моддалар бўлган маъданлар Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатига юборилар ва ўша ерда ажратиб олинарди.

Олмалиқ кончилари мўмайгина даромад келтирадиган бу ишни ўзларида жорий қилишга киришдилар.

Ҳамид СОБИРОВ.

ҲАМҚИШЛОҚЛАР, СОҒ БЎЛИНГ!

ҚУЙИЧИРЧИҚ туманидаги Улуғбек номли жамоа хўжалигига қарашли Қизил Шарқ қишлоғида шу пайтгача, хатто, оддий даволаш мувассасаси ҳам йўқ эди.

НИҲОЯТ, қишлоқ аҳли ўз шифохонасига эга бўлди. Туман газлаштириш идорасининг анчадан бери бекор ётган катта ва шинам омборхонаси ҳашар йўли билан тубдан қайта таъмирланди. «Бўстон» ширкати бинони пардозлади. Газлаштириш ҳамда электрлаштириш идоралари газ ва электр тармоқларини мантаж қилиб берди. Улуғбек номли жамоа хўжалиги эса таъмирлаш ишларини маблағ билан таъминлади. Қишлоқ масжиди 4та гилам совға қилди. Шифохонани туман марказий шифохонаси керакли тиббиёт асбоблари билан жиҳозлади.

Самад ЙЎЛДОШ.

ИККИНЧИ ТАБАҚА СТАРТ ОЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН чемпионати иккинчи табақаси жамоалари мусобақаси 3 апрель куни старт олди. Вилоятнинг Халқобод, Оҳангарон, Олмалиқ, Дўстобод, Бекобод шаҳарларида чемпионатнинг тантанали очилиш маросимлари бўлиб ўтди.

Дастлабки турдаги энг йирик ҳисоб Халқободда қайд этилди. Бу ерда маҳаллий футболчилар «Паркент» жамоасини 8:1 ҳисобида маглубиятга учратдилар. Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан якунланди: «Дўстобод» (Қуйичирчиқ) — «Тўйтепа» — 1:0, «Оҳангарон» — «Бўкалик» — 5:1, «Лочин» (Эшонгузар) — «Соҳибкор» (Зангиота) — 3:4, «Цементчи» (Бекобод) — Акмал (Оққўрғон) — 0:0.

Шу кунларда ўн бир команда кураш олиб борган вилоят Кубоги ўйинларининг ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. Акмал (Оққўрғон) жамоасини 2:0 ҳисобида енгган «Цементчи» (Бекобод) ҳамда «Олмалиқ» футболчиларидан 3:2 ҳисобида устун келган «Қорахитой» (Оҳангарон) жамоалари финалга йўлланма олдилар.

Финал учрашуви 11 август куни Янгибозорнинг марказий ўйингоҳида бўлиб ўтади.

Самад САРИМСОҚОВ.

Акс-садо

ВАФО ҚАЙТАР, ЖАФО ҚАЙТАР...

ҲАЛИ эрталабки саккиз ҳам бўлмаган эди. Таҳририятга истараси иссиқ, барваста, ёқимтой чеҳрали бир отахон кириб келдилар. Илиқ кутиб олдик. Жой кўрсатдик. У бир хўрсинди-да, «Мен Бўстонлиқ туманидан келдим. Исмим Тожибой, фамилиям Давиров. Икки-уч кундан буён уйқумда ҳаловат йўқ», дедилар.

— Нега энди...

— Мен кўп йиллардан буён «Тошкент ҳақиқати»нинг ўқувчиси ҳисобланаман. Бугун саҳар туриб, сизлар томон равона бўлдим. Халқпарварлик, ғамхўрлик, саховатпешалик, падарибузрукворликка йўғрилган олийжаноб амал ҳам одамнинг қалбига тинчлик бермас экан, — давом этди меҳмон, — илтимос, деганларимни газетда чиқарсангиз...

Гап шундаки, Президентимизнинг 1 апрель куни Москвага, МДҲ давлатлари раҳбарларининг навбатдаги йиғинига жўнаб кетиш олдидан пойтахт тайёрагоҳида қалам аҳллари билан қилган мулоқоти чоғида айтган сўзларини эшитдиму, юрагим ҳаприқиб кетди. Юртбошимиз кейинги пайтларда республикамизнинг айрим жойларида, хусусан, Хоразмда рўй берган ҳунук воқеалар, террорчилик ҳуружлари ҳақида тўхталиб, йўлдан адашган, динни ниқоб қилиб олган ақидапараст унсурларнинг домига илиниб қолган айрим ёшларимиз ҳақида гапириб, уларнинг кирдикорлари мутлақо номатлуб ҳатти-ҳаракатлар эканлигини содда қилиб, оталарча бир меҳру-муҳаббат билан тушунтириб бердилар. Бундай ёшларни раҳбаримиз кечиражаклигини, тавба-тазарруъ қилиб келсалар, гуноҳларидан ўтажакликларини астойдил таъкидладилар.

Шу денг, бутун вужудим қулоқ-ка айланди. Айниқса, ўз фарзандларининг юриш-туришидан бехабар, билса ҳам бепарволик иллатига гирифтор бўлган оталар тўғрисидаги гаплари сийнамга қўрғошин бўлиб қуйилди. Эртасига бомдод намози пайти Паргос қишлоғидаги жоме масжидида Йўлбошчимизнинг фикр-мулоҳазалари катта гурунгнинг мавзусига айланди.

... Рост-да, инсофнинг ҳам, андишанинг ҳам, аяшнинг ҳам чегараси бўлади. Менинг ҳам Носиржон, Қодиржон, Баҳодиржон деган ўғилларим, алпқомат набираларим бор. Уларнинг икки нафари — Жасурбек, Абдулазизлар қуролли кучларимиз сафида, зобит сифатида хизмат қилмоқдалар, она-Ватан, ўзбек халқи олдидаги муқаддас бурчларини халоллик билан адо этмоқдалар. Аммо, мен ўттизга яқин невара-чевараларимнинг ҳар куни, ҳар соатидан воқифман. Улар нима қилишяпти, қаерда юришибди, уларнинг атрофидаги дўстлари кимлар, қандай мақсадларни кўзлашяпти... Ҳамма-ҳаммаси менга беш қўлдек аён.

Менинг битта камчилигим бор. Ўта баджаҳлман. Биронта болам менинг чизган чизиғимдан чиқса, кўрадиганини кўради. Тўғри-да, бобонинг, отанинг қаҳри ҳам, меҳри ҳам бўлиши керак. Зотан, алломалар айтгандек, вафо ҳам қайтади, жафо ҳам қайтади. Маҳалладошларим — Камол ака Расулов, Номонхон Тўраев, Ортиқбой Шокимов, Тўхтамурод Қорақўзиев ва бошқалар билан юқоридаги фикрлар ҳақида баҳс-мунозара қилдик. Ҳаммамизнинг ўйимиз бир ердан чиқди. Юртбошимиз бебошлик қилган ёшларимизга, боқибеғам ота-оналарга яна бир бор имконият бериб, жиддий огоҳлантирдилар. Бизнинг қишлоғимиздаги ҳар бир одам давлатимиз бошлиғининг буюк олижаноблигига тасаннолар айтдилар. Бу сўзларни тинглаб, фарзандлар тарбиясида, уларнинг балоғатга етишида яна ҳам сергак бўлишимиз лозимлигини англадик.

Дилда тасдиқ — тилда иқрор бўлмоқликни — иймон дейдилар. Адашган ёшларимиз, лоқайд бўлиб қолган ота-оналаримизни ақлларини пешлаб, Йўлбошчимизнинг олийжаноб самимиятидан бахраманд бўлиб қолишга чақираман.

Т. ДАВИРОВ дил сўзларини оққа кўчирувчи Р. УМАРОВ.

9-апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

БУЮК САЛТАНАТ ШУКУҲИ

Амир Темурнинг ниҳоятда бой тарихий меросида унинг кўпқиррали ҳаёт фаолиятининг жуда кўп саҳифалари ҳалигача тўла ёритилмаган. Айниқса, унинг ислоҳотчилик фаолияти, ижтимоий-маданий соҳадаги самарали ишлари кам ўрганилган. Кўплаб далилларга асосланиб айтиш мумкинки, Буюк Соҳибқирон ижтимоий сиёсатида ва этномаданият соҳасида инсон, жамият ва табиатга чексиз ғамхўрлик намоён қилган. Унинг барча ишлари жиддий ва изчил инсонпарварлик руҳи билан суғорилган.

Ўрта Осиё халқлари ва бўйсундирилган мамлакатлар аҳолисининг хўжалик-маданий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари ва ўзига хос ахлоқий тамойиллари катта империяни бошқаришда нафақат зўр маҳорат ва гуманистик фаолият талаб қилибгина қолмай, теран ва кенг билимдон, юксак маданиятли ва одил арбоб бўлишни тақозо этган. Шунинг учун ҳам, Амир Темур ибораси билан айтганда, у забт қилинган барча мамлакатларда миллати, ирқидан қатъий назар, ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расм одатлари ва мижозидан воқиф бўлиб турган, ҳар бир мамлакатнинг аҳволини, урф-одат ва анъаналарини, кайфиятини яхши ўрганиб ҳурмат қилган.

Темурга зўр обрў келтирган катта ижтимоий сиёсат, барча раият аҳволидан хабардор бўлибгина қолмай, «улуғларига оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўриб» муносабат қилганлиги, «адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини» ўзидан рози қилганлигидадир. «Темур тузуклари»да Соҳибқирон шундай деб ёзади: «Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим... Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборлик кишиларини азиз тутдим, саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюрғол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим; ўша вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим». Фақат чинакам гуманистик ҳис-туйғуларга эга бўлган, инсонга

(Давоми 3-бетда).

БАРАКА УРУҒИ ЕРГА ТУШДИ

Вилоятимизда чигит экиш қизғин паллага кирди. Шу кунгача 10000 гектардан зиёд майдонга барака уруғи қадалди. Кеча — бир кунда 402 гектар ерга чигит экилди

НИҲОЯТ, вилоят пахтакорлари "орзикиб кутган дамлар келди. Чигит экиш агрегатлари далага чиқди. Ерга барака уруғи қадалди.

Бу йил вилоятда 108 минг гектар майдонга чигит экиш режалаштирилган. Шу жумладан, 20 минг гектар ерга чигит плёнка остига экилади. Бунинг учун жами 1503та сеялка мавсумга тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бу йилги мавсумда пахтанинг фақат тўртта — «С-6524», «Фарғона-3», «Наманган-77» ва «Ан-Боёвут-2» навларини экиш мўлжалланган. Шунингдек, туманларда кўпи билан икки хил, хўжаликларда эса фақат битта нав пахта етиштириш қатъий белгилаб олинган.

Об-ҳаво ноқулай келганлиги сабабли плёнка остига чигит экиш бироз кечикди. Лекин, шунга қарамай, вилоятда бу усулга аввалдан пухта ҳозирлик кўриб қўйилгани туфайли экиш жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Кунига 180-200 гектар майдонга плёнка остига чигит экилмоқда. Агар бемаврид ёғингарчиликлар ҳалал бермаса, режа 10 апрелгача бажарилади.

Экишни биринчилар қатори бошлаган Янгийўл туманида 5 апрель ҳолатига режадаги майдоннинг 18 фоизига чигит экиб бўлинди. Умуман, янгийўлликлар кунлик ўсишда илғорлар сафида бормоқдалар. Кунига 550-600 гектар ерга чигит қадалмоқда.

Эътироф этиш керакки, чигитни тезу соз экишда Бекобод тумани пахтакорлари ҳам пешқадамлик қилмоқдалар. Ердаги намнинг етилишига қараб, мавжуд 205та сеялканинг 120-130 таси юксак унум билан ишлатилаётгани боис кунига 1100-1200 гектар ерга чигит экилмоқда. Дарвоқе, бу йил бекободликлар чигитни эгат олиб, пуштага экиш усулини қўлламоқдалар. Бу янгиликнинг чигитни текис ундириб олиб, тўла гектарлар ҳосил қилишда қўл келиши шубҳасиздир. Шу сабабли барча туманларда айрим майдонларга эгат олиниб, чигитни пуштага экиш синаб кўрилмоқда.

Бўкалик пахтакорлар ўтган йилги хатолардан тўғри хулоса чиқариб, чигитни тез ва сифатли экишга зўр бермоқдалар. Улар кунлик ўсишда иккинчи ўринда боришмоқда.

Бироқ, айрим туманларда ғаниматкунлардан фойдаланиб, чигитни тезроқ экиб олишга астойдил ҳаракат қилинмаяпти. Масалан, Чиноз, Пскент, Ўртачирчиқ туманларида эндигина йиллик режанинг 2-4 фоизи миқдорида чигит экилганини қандай изоҳлаш мумкин? Ушбу туманларда кунлик суръат ҳам мутлақо талабга жавоб бермайди.

Баъзи туманларда эса пахта учун ажратилган майдонлар ҳали чигит экиш учун тайёрлаб бўлингани йўқ. Жумладан, Оққўрғон, Ўртачирчиқ, Чиноз туманларида эндигина 40-50 фоиз майдон экишга тайёр ҳолга келтирилди, холос.

Об-ҳаво беқарор. Демак, дам ғаниматкунлар. Вақт кутиб турмайди. Экиш имконияти бўлган ҳар бир кун, ҳар бир соатдан иложи борича унумли фойдаланиш чораларини кўриш лозим. Ўтган йилги ҳолат такрорланмаслиги учун чигитни қисқа муддатларда экиб олиб, ҳосилнинг эрта пишиб етилишига пухта замин яратиш бугуннинг энг долзарб вазифасидир.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

МДҲ: ИСЛОМ КАРИМОВ ҒОЯЛАРИНИНГ ЯНА БИР ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

МДҲ мамлакатларининг «Бошини қовуштириш» учун ташкил этилган бу идораларнинг самарасиз фаолияти ҳақида тўхталиб, улардаги ходимлар сонини кескин қисқартириш лозимлигини таъкидлаганди. МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг саммитида бу таклиф қўллаб-қувватланди: эндиликда МДҲ органлари ҳамда уларда хизмат қилаётган ходимлар сони камайтирилади, органлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаб турувчи бюджет уч баробар қисқаради, ҳар бир давлат қайси органда иштирок этишини ўзи белгилайди ва шунга яраша маблағ ажратади. Саммитда МДҲ ижроия котибияти қўмитага айлантирилди ва Россия Федерацияси Президентининг Федерация Кенгашидаги вакили Ю. Яров унинг раҳбари этиб тайинланди.

Айтиш керакки, навбатдаги саммитда эришилган натижаларнинг барчаси Ўзбекистон шу вақтга қадар илгари суриб келаётган ғоялар билан ҳамоҳангдир. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов МДҲ ҳақида сўз кетганда, аввало иқтисодий алоқаларни ривожлантириш лозимлигини кўп бор таъкидлаган. Аммо, айрим сиёсатчилар ҳозиргача бу тузилма таркибида ҳарбий-сиёсий блоклар тузиш, ҳатто унинг негизида мазмун-моҳияти жиҳатидан янги ниқобдаги собиқ Иттифоққа яқин бўлган уюшма ташкил этишга уринишдан чарчамади. 2 апрель куни бўлиб ўтган саммит якунларига назар ташлар эканмиз, вақт ўтиши билан асоссиз ғоялар барибир пучга чиқишини, замон талабларига қарши бориб иш қилиб бўлмаслигини яққол кўрамиз. Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбари кўп бор таъкидлаганларидек, тарих ғилдирагини орқага айлантириб бўлмайди.

Яна бир мисол: Президент Ислом Каримов МДҲ доирасида эркин савдо зонасини яратиш, иқтисодий чегараларни имкон қадар очиш, яъни товарлар ва хизматларнинг божхона, транспорт йўлларидаги ва бошқа тўсиқлардан ўтишини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда енгиллаштириш ҳамдўстликни ривожлантиришнинг бош омили эканини бир неча бор айтган эди. Юқорида санаб ўтилганидек, Москва саммитида имзоланганига бир неча йил бўлган, лекин ҳанузгача ишламай ётган «Эркин савдо зонаси тўғрисидаги битим»га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида протокол имзоланди. У ўзида битимга киритилиши кўзда тутилган кўпдан-кўп қўшимча ва ўзгартишларни жам қилган бўлиб, бошқа давлатлараро ҳужжатлардан фарқли ўлароқ, саммитнинг барча иштирокчилари томонидан тўла қўллаб-қувватланди. Негаки, эркин савдо зонасини яратиш ҳамдўстликка аъзо мамлакатларнинг жаҳон хўжалик тизимига кириши, хусусан, жаҳон савдо ташкилотига қабул қилиниши, бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқаларини ривожлантиришига кўмак беришига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган яна бир ғоя Москва учрашувида ўз тасдиғини топди. Бу МДҲ органларининг ҳаддан ортиқ кўпайиб кетгани, уларда хизмат қилаётган ходимлар фаолиятининг самарасизлигига таалуқлидир. Дарҳақиқат, шу вақтгача минглаб одам ишлаётган бир неча муассасанинг бирор-бир амалий нафи кўзга кўринмади. Ваҳоланки, уларга қанча маблағ ва бошқа воситалар ажратилмоқда. Айни пайтда бу органларнинг бирор давлат учун фойдали ёки бефойда экани ҳисобга олинмасди, аъзо мамлакатлар ортиқча сарф-харажатларга дучор эди. Энди бу ҳолга чек қўйиладиган бўлди.

Яна бир гап. Саммитда давлат раҳбарлари ўзаро ҳурмат ва тенглик асосида муносабат қуришга тайёрликларини яна бир бор тасдиқлади. Айтиш керакки, гарчи собиқ Иттифоқ аллақачон парокандаликка юз тутган бўлса ҳам айрим сиёсий доираларда бошқаларга «катта оға» бўлиш орзуси ҳали-ҳамон мавжуд эди. Москвадаги учрашувда ҳеч бир давлат бошқа бир давлатдан устун эмаслиги, муносабатлар тахдид орқали ёки мажбурий эмас, балки ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш ва тенглик асосига қурилиши лозимлиги барча иштирокчилар томонидан тан олинди. Давлат раҳбарлари МДҲ фаолиятини такомиллаштиришнинг энг устувор йўналишларидан бири ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш эканини ҳам таъкидлашди.

Шу ўринда коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома хусусида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, Ўзбекистоннинг бу шартномада бундан буён иштирок этмаслиги мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида бир неча ой илгари маълум қилинган эди. Бинобарин, мамлакатимизнинг ушбу шартномада иштирок этишдан тийилиши сабаблари барча ҳурфикр инсонларга олдиндан маълум. Шундай бўлса-да, бу сабаблар ҳақида қисман тўхталиб ўтиш жоиз. Ташқаридан хавф келганда, бир-бирига ҳарбий кўмак бериш, қўллаб-қувватлашни кўзда тутадиган мазкур ҳужжат амалда самара бермади. Аксинча, айрим ҳолларда унга зид ҳолатлар кўзга ташланди. Мисол тариқасида Озарбойжон билан Арманистон ўртасидаги муносабатларни келтириш мумкин. Коллектив шартномага аъзо икки давлат ўртасида кескин низолар келиб чиқиши бу ҳужжатнинг мантиғига тамомила зиддир. Шунга ўхшаш ҳолатни Грузия-Абхазия воқеаларида ҳам кузатиш мумкин. Демак, МДҲ доирасида имзоланган ва лекин ишламай ётган минглаб ҳужжатлар сингари бу шартнома ҳам фақат қоғозда қолиб келмоқда.

Шундай қилиб, Москва саммитида Ўзбекистоннинг МДҲ борасида аввалбошданоқ нечоғли тўғри йўл тутиб келганлиги яна бир карра ўз тасдиғини топди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов илгари суриб келган ташаббус ва таклифларнинг барчаси рўёбга чиқаётгани бунинг яққол далилидир.

Шуҳрат УМИРОВ,
ЎзА махсус мухбири.

Тошкент — Москва — Тошкент.

Қонун лойиҳаси муҳокамада

ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШУВИ КЕРАК

ДЕМОКРАТИЯНИНГ асосий йўналишларидан бири жамият бошқарувида кенг оммани иштирокига эришишдир. Бу борада мустақиллик йиллари ичида самарали тадбирлар амалга оширилди. Қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Шулардан бири «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эса шу кунларда умумхалқ муҳокамасидан ўтмоқда.

Яқинда мазкур лойиҳа Пскент тумани ҳокимлигининг кенгайтирилган йиғилишида бош мавзу бўлди. Қизғин ўтган анжуманда турли касб эгалари лойиҳа юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Биз қишлоқ оқсоқолларидан айримлари билан суҳбатлашдик.

Абдуазим НАБИЕВ,
Муротали қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

— «Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» янги таҳрирдаги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилганлиги айни муддао бўлди. Тўғри, бунгача ҳам бизнинг фаолият юргизишимиз учун қонун мавжуд эди. Аммо, унда оқсоқолларнинг бурчи, амалга оширадиган ишлари билан боғлиқ қоидалар равшан баён қилинмаганлиги сабабли, уларнинг мавқеига маълум даражада путур етди. Энди лойиҳа хусусида гапириб, шуни таъкидламоқчиманки, мутахассислар унинг устида узоқ ўйлашгани, оқсоқоллар обрў-эътиборини, аҳоли орасидаги ҳурматини оширишга интилишгани сезилиб турипти. 13-модданинг қуйидаги бандларига диққат қилайлик: демак, фуқаролар йиғининг раиси (оқсоқол) **«Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, судда, юридик шахслар билан муносабатда фуқароларнинг манфаатларини ифодалайди», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи номидан шартномалар, шу жумладан, меҳнат шартномалари тузади», «вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишини ташкил этади, ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни тегишли муассасаларга жойлаштиришга кўмаклашади».**

Мазкур қоида биринчидан, оқсоқоллар ҳуқуқ доираси кенгайганлигидан далолат берса, иккинчидан, бу вазифаларни рўёбга чиқариш маҳалла ёки қишлоқ фуқаролар йиғини раисларининг обрўсига обрў қўшади.

Айни пайтда лойиҳанинг 15-моддаси ҳақида ҳам айтадиган фикрларим бор. Хусусан, унинг бандларидан бирида **«Тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия ўз фаолиятида мустақилдир ва фақат фуқаролар йиғинига ҳисобдордир», дейилади.**

Бу жумла тўғрисида ўйлаб кўриш керакка ўхшайди. Чунки, лойиҳанинг 24-моддасида қайд қилинганидек, **«Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси ўз маблағларидан, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари томонидан белгиланган тартибда ажратиладиган бюджет маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ҳайр-эҳсонларидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан...»** ташкил топар экан, бундай фаолиятни фақат фуқаролар йиғини ва тафтиш комиссиясининг ўзигагина ташлаб қўйиш ўринли бўлмас. Мен буни бежиз айтаётганим йўқ. Президентимизнинг кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йўналишдаги қарорини бажаришда тартибни бузиб, жиноий жавобгарликка ёки жаримага тортилган, ё бўлмаса, маъмурий жазо олган оқсоқоллар, уларнинг котиблари кам бўлсада, учради-ку, ахир.

Шундай экан, бундай кенг қўламдаги молиявий фаолиятни вақти-вақти билан юқори идоралар тафтиш комиссияси ҳам ўрганиб туриши керак. Ана шу муносабат билан юқоридаги бандни **«Тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия ўз фаолиятида мустақил ва фуқаролар йиғини олдида ҳисобдордир, айни пайтда фуқаролар йиғинининг молиявий фаолияти вақти-вақти билан шаҳар ёки туман ҳокимлиги тавсия қилган тафтиш комиссиялари томонидан ҳам ўрганиб, текшириб борилади»,** тарзида баён этилиши керак, деб ҳисоблайман.

Бундай қоида фуқаролар йиғини ходимларини ҳуқуқий муҳофазаси учун ҳам зарурдир. Шундай бўлгач, лойиҳанинг 5-моддасидаги **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди»**, деган банд ҳам кишида мулоҳаза уйғотади. Ваҳоланки, бизнинг шароитимизда экиш, ҳосилни йиғиб-териб олиш, юқори органларга сайловлар ўтказиш пайтларида ҳокимликлар ўз фаолиятларини фуқаролар йиғинларисиз тасаввур этолмайдилар.

Холмат НОРМАТОВ,
И. Ҳайдаров номли жамоа хўжалигидаги Ғортепа маҳалла қўмитасининг оқсоқоли:

— ДАРҲАҚИҚАТ, қонун лойиҳасида фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқлари кенгайган. Буни 30та банднинг ҳар бирида аниқ ҳис этиш мумкин. Лекин, мен лойиҳанинг 10-моддасида қайд қилинган, «Шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатлари» хусусида ўз фикримни билдирмоқчиман. Шу моддадаги **«Маъмурий-ҳудудий бирликлар ва маҳаллаларнинг чегараларини ўзгартириш, кўчалар, майдонлар ва бошқа объектларнинг номини ўзгартириш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади»**, деган модданинг бошқачароқ талқин қилинишини истардим. Чунки, **майли, маъмурий-ҳудудий бирликлар, маҳаллаларнинг чегаралари билан боғлиқ таклифларни фуқаролар йиғини юқори идораларга киритсин, аммо ўз ҳудудидаги майдонлар, кўчалар ва бошқа иншоотларнинг номини ўзгартиришни фуқаролар йиғинининг ихтиёрига бериш керак. Ҳозирги пайтда бу масалада таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйилаётгани сир эмас. Гоҳо кўчаларга маҳалла, қишлоққа, умуман меҳнати сингмаган, бу ердаги кишилар учун нотаниш инсонлар номи қўйилмоқда. Бу эса аҳолининг ғашига тегиб, норозилигига сабаб бўлмоқда.**

Яна бир таклифим 18-моддадаги «Фуқаролар йиғинини чақириш тартиби тўғрисида». Бу моддада шундай жумла бор: «Фуқаролар йиғини чақирилишининг иложи бўлмаган тақдирда, фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади. Фуқаролар вакилларининг йиғилиши зарурлигига қараб, йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади» дейилган.

Маълумки, кейинги пайтларда қишлоқ, маҳалла қуйи бошқарув тизими сифатида асосий таянч бўлиб қолмоқда. Аҳоли ўзи яшаётган ҳудудда нималар бўлаётгани, фармон ва қарорлар қандай амалга оширилаётгани ҳақида хабардор бўлиб туриши керак. Бундай янгиликларни одамлар маҳаллалардаги вакиллари орқали эшитадилар, албатта. **Шундай экан, уларнинг уч ойда бир марта йиғилишлари тўғри бўлмас, деб ўйлайман.** Бундай мулоқотларни ҳар ойда ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир.

Суҳбатдош:
Анвар АҲМЕДОВ.

1999 йил — Аёллар йили

УЧРАШУВ ЯНГИЙЎЛДА БЎЛДИ

АЁЛНИНГ оиладаги ўрни қанчалик муҳим бўлса, унинг жамиятдаги ўрни ҳам шу қадар аҳамиятлидир. Президентимиз Ислом Каримов 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилаётгани чоғида бу ҳақда алоҳида тўхталиб, юртимизнинг меҳнаткаш, оқила аёлларини эъзозлаш, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, меҳнатларини муносиб қадрлаш ва энг муҳими, уларнинг хоҳ иждода, хоҳ тадбиркорликда, хоҳ фарзанд тарбиясида бўлсин, жамият ривожига қўшаётган ҳиссаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Ана шундай заҳматкаш, чинакам эътибор ва эътирофга лойиқ бўлган соҳа кишиларидан бири — ўқитувчи ва мураббийлардир!

Янгийўл шаҳридаги Алишер Навоий номли 6-ўрта мактаб биносида бўлиб ўтган «Меҳрим сизга, меҳри дарё аёл!» деб номланган учрашув бу фикрнинг тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади. Вилоят «Оила» илмий-амалий маркази, шаҳар болалар ижодиёти маркази ва мактаб фаоллари ҳамкорлигида ташкил этилган бу тадбирда шаҳардаги қатор мактабларнинг ўқитувчилари, ижодкор болалар, ота-оналар иштирок этдилар. Тадбирнинг очилиш қисмида сўзга чиққан шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ҳанифа Ҳайдарова ва 6-мактаб директори Эргаш Усмонов ўқитувчи ва мураббий аёлларнинг таълим-тарбиядаги, Миллий дастурни бажаришдаги изланишлари катта самара бераётганини алоҳида таъкидладилар.

Шу куни ҳаёт ва турмуш ҳақида, аёлларнинг, хусусан, ўқитувчи ва мураббий аёлларнинг олдида турган бугунги муҳим вазифалар ҳақида қизиқарли мулоқотлар бўлиб ўтди. Муаллималар ва ота-оналарни қизиқтирган бир қатор саволларга учрашувда иштирок этган вилоят ҳокимининг муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Хўжаева жавоб берди.

Тадбир болалар ижодиёти маркази қошидаги Ваҳобжон Охунов раҳбарлик қилаётган «Алвон лолалар» рақс дастаси ва бошқа ёш ҳаваскор ижодкорларнинг ажойиб рақслари, куй-қўшиқлари билан уланиб кетди.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

ҲАСАНБОЙДА ШУНДАЙ МАСКАН БОР

ҲА, маҳалла — Ватан ичра ватан. У ҳар биримизнинг отамиз, онамиздир. Барча фазилатларимиз бу маскан-га ҳамиша аён. Умумий турмуш тарзимизда, қобилият, истеъдод борасида нималарга қодирлигимизни шу даргоҳ юзага чиқаради.

Бунга Тошкент туманининг Ҳасанбой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Норхўжа Амин номли маҳалла фуқароси Мурод Азимов фаолияти ёрқин мисолдир. У қариндош-уруғлари ёрдамида ярим гектар ерда иссиқхона қуриб, яхшигина даромад топди. Дилига тугиб юрган яна бир орзуси — отаси номида чойхона бунёд этиш эди. У ниятига ҳам етди. «Толиб ота» чойхонаси қад кўтарди. Эндиликда ўзига хос ана шу оромгоҳ қошида новвойхона, озиқ-овқат дўкони, сомсахона, қандолатпазлик цехи, қассобхона, сартарошхона, этикдўзлик устахонаси ишлаб турибди. Тадбиркор қишлоқ кишиларига фойдаси тегаётганидан беҳад мамнун.

СУРАТЛАРДА: Норхўжа Амин маҳалласи ҳаётидан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ: БУРИЛИШ НУҚТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори педагогик жамоамиз томонидан катта мамнуният ва ҳайрихоҳлик билан кутиб олинди. Гапнинг очиғи, бундай ҳужжатни анчадан буён кутаётган эдик.

Республикамизда ярим асрдан буён оммавий ахборот воситалари учун журналист кадрлар етказиб берилади. Уларнинг аксарият қисми мамлакатимизда ва хорижий давлатларда ҳалол ва фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бироқ кейинги йилларда журналист кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш, таълим ва тарбия тизими замон талабига жавоб бермай қолаётгани, мутахассислик бўйича ўқув режа ва дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари жаҳон андозаларига мос келмай қолганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунингдек, соҳа моддий-техник базасининг заифлиги журналист талабалар ижодий маҳоратини оширишда жиддий тўсиқ бўлиб турибди. Қарор мавжуд камчиликларни бартараф этиш, журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда уни дунё андозалари даражасига кўтаришни давлат миқёсида ҳал этишга қаратилган.

Тўртинчи ҳокимият — оммавий ахборот воситалари ҳар бир фуқарони, ҳар бир хонадонни давлат билан боғлаб турувчи қудратли восита, давлатнинг кўзи ва қулоғидир. Журналистлар мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислоҳотларни теран идрок этишга, билимда, маданиятда, одоб-ахлоқда мушталарийлар, томошабинлар ва тингловчиларга нисбатан бир даража юксакроқда бўлишга, халқни Ватанимизга, мустақиллигимизга садоқатли инсонлар қилиб тарбиялашга даъват этилганлар. Шунинг учун ҳам журналист кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш, уларнинг маҳорати ва малакасини муттасил ошира бориш давлатимизнинг диққат марказида турибди.

МУНОСАБАТ

Янги ўқув йилидан Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида халқаро журналистика факультетининг очилиши, журналист кадрлар тайёрлаш, бу йилдан бошлаб журналистика факультетлари қошида иккинчи мутахассислик бўйича бир йиллик махсус ўқув курсларини ташкил этилиши айни муддаодир.

Журналистика факультетларида аттестация натижалари асосида журналист кадрлар тайёрлашда ҳар жиҳатдан етук профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш ғоясини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Қарорда журналистика факультетларида ўқиш учун қобилиятли талабаларни қабул қилиш мақсадида абитуриентларни тест синовлари билан бир қаторда ижодий имтиҳонлардан ўтказиш назарда тутилган.

1970-1980 йилларда журналистика мутахассислиги бўйича кириш имтиҳонларидан аввал ижодий конкурс жорий этилган. Бу ишга журналистлар уюшмаси, оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан тажрибали журналистлар жалб этилар, бу истеъдодли ёшларни танлашга катта ёрдам берар эди. Ўша пайтда таълим олган ёшлар ҳозир журналистикамизнинг олдинги сафларида боришмоқда.

Оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва бошқа манфаатлар ташкилотларнинг юқори босқич журналист-талабалар учун ихтисосликлар бўйича тажрибали, педагогик ишга лаёқатли журналистларнинг ўқув студияларини ҳамда ўз таҳририятлари қошида журналистика факультетларининг ҳаракатдаги филиаллари ёки ўқув марказларининг ташкил этилиши журналист кадрлар тайёрлашни фақат университетлар зиммасига юклаб қўймасдан, бу ишда ҳамкорлик қилиш, кўмаклашиш, кенг кўламда иш олиб боришни тақозо этади. Қарорда алоҳида таъкидланган журналистика факультетларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илғор педагоглар, иқтидорли талабаларнинг хорижий давлатларда малака ошириши учун шарт-шароитлар яратиш ҳақидаги ва бошқа фикрлар айни муддаодир.

Анвар КАРИМОВ,
ТошДУ доценти.

ИНСТИТУТ ТАВСИЯ ЭТАДИ

САНОАТ чиқиндилари бўлган оқава сувларнинг инсон саломатлигига, атроф-муҳитга салбий таъсирини илмий асосда тадқиқот қилиш борасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг ботаника институти олимлари самарали изланмоқдалар.

Жумладан, Чирчиқ «Электркимёсаноати» ва Олмалиқ «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаларидаги биологик сув ҳавзалари ҳам экологик нуқтаи назардан ўрганиб чиқилди. Уларда 45 тур ўсимлик мавжудлиги ҳам аниқланди. Бу қорхоналар оқава сувларида ўстирилган эйхорния, сальвиния ва кичик ряска каби ўсимлик турлари ифлосланган сувлардаги микроорганизмларга салбий таъсир кўрсатар экан.

Институт томонидан тайёрланган илмий тавсиялар яқинда мазкур корхоналарга тақдим этилди. Бу эса уларнинг биологик ҳовузларидаги зарарли микроорганизмларнинг кушандаси бўлган яшил бойликни кўпайтиришга ёрдам беради.

Акбар АЛИЕВ.

БУЮК САЛТАНАТ ШУКУҲИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

меҳр қўйган ҳукмдор салтанатни идора этишда ўзига қарашли ҳар мамлакатда яхши кишиларга яхшилик қилган, нафси ёмонлар, бузуқлар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатдан қувиб чиқарган. «Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, — деб ёзади Амир Темур, — зулму ситам йўлини тўсдим. Ўз эрки билан менга бўйсунган вилоят ҳокимларига ўша юрт ҳукуматини қайтариб бердим ва уларни иньому эҳсон билан қадрлаб, ўзимга мутеъ қилиб олдим, бўйсунмаганларни эса қилмишига яраша жазоладим. Одил, оқил ва уддабурон кишиларни уларга ҳоким этиб тайинладим».

Бундай ниҳоятда зўр инсонпарварликка асосланган ички ва ташқи сиёсат Соҳибқиронга жаҳон миқёсида юксак обрў келтирган ва Ҳинд дарёси соҳилларидан Волга бўйларигача, мўғул даштларидан Болқон ва Ўрта ер денгизи субтропик тупроғигача Буюк қудратли империяни бунёд этишида энг муҳим омил бўлиб хизмат қилган эди. Бу буюк салтанатнинг шукуҳи шундаки, Соҳибқирон ўз сиёсатини донолик билан амалга ошириш мақсадида асил зотли, шижоатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофига бирлаштирган. Уларнинг бирлик иттифоқлари гўё бир тандек, барчаларининг мақсадлари, райилари, сўзлари ва ишлари битта бўлган. Амир Темур қайси мамлакатни забт этмоқчи бўлса тўғри тадбир ва кенгаш билан хатога йўл қўймаслик учун ҳар қадамни кўп ўйлаб, сергаклик ва эҳтиёткорлик билан иш тутган. Энг муҳими, қайси ишни чораю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмаган.

Адолат тарафдори ва халқпарвар Соҳибқирон мамлакатда жабр-зулм ва фисқу-фасод бўлмаслиги, осойишталик ва фаровон турмуш ўрнатиш тарафдори бўлган. Барча ҳокимларга қабиҳ хатти-ҳаракат, золимлик ва зўравонликдан, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш зарурлигини амр этган. Чунки, унинг таърифича, аҳолини хонавайрон қилиш давлат хазинасининг қашшоқланишига олиб келади, бу эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади ва салтанатнинг кучсизланишига олиб келади. Шунинг учун, солиқ ишларида деҳқоннинг ҳосил ва даромадларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг розилиги билан хирож тузугига мувофиқ одилона иш тутишни қатъиян талаб қилган. Солиқ тўпловчи солиқ-солиқни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олиши, қалтак, арқон ишлатиб, ишни уришсўкишгача олиб бормаслик, уларни банд этиб, занжир билан кишанламасликка амр қилган.

Халқ ғамида ҳукмронлик қилган Амир Темур «Кимки бирон саҳрони обод қилсаю бирон боғ қўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганни олсинлар, учинчи йили эса олиқ-солиқ қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғилсин», деб ҳукм чиқарган. Шуниси муҳимки, унинг буйруғи билан ҳар ер ва элнинг амалдорлари ва калантарлари оддий фуқарога жабр-зулм қилса ва шу орқали бечораларга зарар етказган бўлса бундай вақтларда етказилган зарарни калантардан ёки амалдордан ундириб, жабр кўрганларга бериш шарт ҳисобланган. Яна шуни қайд қилиш лозимки, хароб бўлиб ётган ерларнинг эгаси обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар беришни, токи ўз ерини обод қилиб олсин, деб ҳукм чиқарилган. Соҳибқирон эл ободонлиги учун, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қуришни, бузилган кўпирикларни тузатишни, йўл устида ҳар манзилгоҳга работлар қуришни ва йўлларни тузатиш ва сақлаш ишларини бажарувчи соқчилар қўйишни буюрган. Йўловчилар молларини ғафлат босиб, ўғирлатиб қўймасликларининг вазифаси ҳам ўша соқчилар зиммасига юкланган. Бундай сиёсат Буюк Ипак йўлини мўғул истилосидан кейин қайта тиклашга имкон яратди.

Амир Темур амалга оширган муҳим ижтимоий тадбирлардан, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда махсус мадраса ва хонақоҳлар бино қилинган, фақиру мискинларга лангарҳоналар, яъни, йўловчилар кўниб ўтадиган жойлар, камбағал етим-есирга овқат бериладиган ғарибхоналар солинган, касаллар учун шифохоналар қурилган ва уларга хизмат қилиш учун махсус табиблар тайинланган, маъмурий дор ул-амора (ҳукмдор саройи), дор ул-адолат (қозихона) ва бошқа иморат ва иншоотлар қурилган.

Буюк Соҳибқиронга ғоявий байроқ ва таянч бўлиб ислом дини хизмат қилган. Тарихий манбаларга биноан, Амир Темур ислом асосларини чуқур билган, Қуръони каримни ёд олган. У нафақат ўз аскарларини, барча фуқароларни мусулмончилик руҳида тарбиялашга, уларни ислом ғоялари асосида бириктиришга, ўзининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида диндан ахлоқий-сиёсий омил сифатида оқилона фойдаланишга ҳаракат қилган. «Темур тузуклари»да диний ва дунёвий онг шакли давлат ишларида ва ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга эканлиги, жамиятни мустаҳкамлашда ва элатни жипслаштиришда зарур воситалиги бир неча бор таъкидлаб ўтилган. Соҳибқирон мусулмон дини пешволарига, уламоларга, сўфий шайхларга ниҳоятда ҳурмат билан қараган ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Шундай бўлса-да, унинг фикрича, дунёдаги ҳамма нарсани билувчи ва ҳал қилувчи, даставвал Оллоҳ, қолаверса, инсоннинг самарали тарбияланиши, ақлию амалиётни ўзлаштириб, ўзини-ўзи бошқариши деб ҳисобланган. Амир Темур дунёқарашида инсон тарбияси — одоб-ахлоқи, уни адолатли севишга, ватанпарварлик ва инсонпарварликка ўргатиш муҳим ўрин эгаллайди. Шу сабабли у ёшларга билим бериш, уларнинг ақлий фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ҳар бир шаҳарда масжиду мадрасалар қуриш, уламою домлаларни моддий рағбатлантириш сиёсатини амалга оширган. «Яна тажрибамда кўриб билдимки, — деб ёзади Соҳибқирон, — давлат агар дину ойин (расм-удум ва қоида) асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади...»

Айрим тарихчиларнинг таърифича, Соҳибқироннинг ўз қўли билан ёзилган «Қонунлар» («Темур тузуклари») бошқа шунга ўхшаш асарлардан «ўзининг соддалиги ва жозибадорлиги билан ажралиб туради». Мавжуд тарихий манбаларга қараганда, мазкур асарнинг пайдо бўлишида муаллиф ундан олдин яратилган жуда кўп ўтмишдаги давлатларни бошқаришга оид Қобуснома ва Қонунчилик китобларини қунт билан ўрганиб ўзлаштирган. Чунончи, Амир Темур Чингизийларнинг «Ясоқ китоби» ва «Мангу ёрлиғи», Шарқда машҳур «Сулук ул мулк» (Подшоҳларга қўлланма) каби давлатни бошқаришда зарур бўлган кўплаб асарларни ўқиб-ўрганган.

Соҳибқирон шижоатли кишилардан дўст тутган, илм аҳли ва уламо билан суҳбатда бўлиб, пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпинган, дарвеш, фақир ва мискинларни ўзига яқин тутиб, уларнинг кўнгилларини ранжитмай барча талабларини бажарган. Аммо қатъиян равишда Амир Темур оғзи шалоқ ғийбатчи ва бузуқи одамларни ўзидан узоқлаштириб мажлисларга йўлатмаган ва уларнинг сўзларига амал қилмаган, бирорта кишига туҳмату ғийбат қилсалар қулоқ солмаган.

Адолатпарвар подшоҳ доимо халқ фаровонлигини ўйлаб иш тутади. Соҳибқирон ҳам бу соҳада жуда кўп қонун-қоидалар кашф этиб барча табақадаги аҳолининг осойишталиги ва яхши ҳаёт кечиришини таъмин қилишга интилган. Ҳатто, девона гадойларнинг ҳам тирикчилиги учун ғамхўрлик қилиб, уларга иш топиб бериш, бошпана билан таъминлашни, ҳатто, ожизларга нафақа ажратишни буюрган. Аммо ишдан қочиб, текинхўрлиги билан кун кечирувчи гадойларни шафқатсиз ҳолда тутиб ёт ўлкаларга қул қилиб сотишни ҳукм қилган.

Амир Темур барча ўлкаларда қонунчиликка тўла риоя қилишни қатъий талаб қилган. Унинг махсус буйруғи билан билагида кўчи бор фақир мискинлар ўз аҳволи ва касбу корига қараб иш тутмоғи лозимлигини, сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиш учун хазинадан етарли даражада олтин берилишини, деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб беришни, фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам кўрсатиш энг юксак инсонпарварликдан далолат эмасми? Мамлакатнинг ободонлиги ҳам барча тоифадаги фуқароларни иш ва маош билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва шарт-шароити билан белгиланади. Соҳибқирон ўз даврида шундай фармон чиқарган эди: «Яна бўюрдимки, — дейилади шу фармонда, — ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, у ернинг гадоларини тўплаб кундалик емиш-ичмишларини бериб, уларга бирон вазифа белгиласинлар. Ҳамда барчаси тамғалансинлар, токи бошқа гадолик қилмасинлар. Агар тамғадан кейин ҳам гадолик қилгудек бўлсалар, уларни узоқ мамлакатларга сотиб юборсинлар ёки ҳайдасинлар. Шундагина гадо зоти мамлакатимдан йўқолади».

Ҳозирги мураккаб тарихий вазиятда, ўтиш даври қийинчиликларини бартараф этиш жараёнида, жаҳон сиёсати марказида экологик муаммолар биринчи даражали масалалардан бири бўлиб, инсоннинг атроф-муҳитнинг ҳолати учун ижтимоий ва маънавий жавобгарлиги муаммоси илгари сурилмоқда. Бугун табиат ва жамият олдида ҳар бир инсон нафақат жавобгар, балки уни эҳтиёт билан муҳофаза қилиш ҳаёт-мамот масаласига айланган. Амир Темур ички ва ташқи сиёсатида атроф-муҳит масаласи муайян ўрин олган бўлиб, бу тарихий тажриба инобатга олинса, фойдадан холи бўлмас эди. Эндиликда нафақат табиатга, маданий обидаларга ҳам эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларга вахшийларча муносабатни йўқотиш ва бу ишда изчил назорат ўрнатиш заруриятн яққол намоён бўлмоқда. Шуни мамнуният билан қайд қилиш лозимки, Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида шаклланган ўзига хос анъаналар маълум даражада ҳозиргача сақланиб келган. Уларни чуқур ўрганиб, авайлаб сақлаб, даврнинг талабига мослаштириб такомиллаштириш барча сиёсатчилар ва олимларнинг энг долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим вазифаларидан биридир.

Исо ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

Яхшидан боғ қолади

КЎЧАТИНГИЗ ИШОНЧЛИМИ?

Ўлкамизда айни кўклам. Экиш палласи. Кўчакўйда юрганингизда мевали дарахт кўчатларини кўтариб олган одамларни учратасиз. Хўш, мевали дарахтни қачон ўтқазган, пайвандлашнинг қандай усулини қўллаган маъқул? Бу ҳақда қибрайлик боғбон Бахтиёр АКРОМОВнинг фикри қуйидагича.

Касбим тақозосиданми, мен ҳам боғдорчилик билан шуғулланишни яхши кўраман. Янги, серҳосил, мевали дарахт навлари билан қизиқаман. Шу мақсадда, айниқса, баҳор кезларида Чорсудаги кўчат бозорига тез-тез тушаман. У ердаги, қўлбола кўчат тайёрлаб сотаётган боғбонлар билан суҳбатлашаман. Яқинда Қибрай туманидаги «Маданият» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Бахтиёр Акромов билан танишиб қолдим. Асли касби ҳайдовчи экан. Лекин бир йигитга қирқ ҳунар оз, деганларидек, ўзи кўчат етиштириб, пайванд қилиб сотишнинг ҳам ҳадини олган. У бу ҳунарни шифокорлик билан донг таратган ва боғбон сифатида ҳам элга танилган отаси Атҳам акадан ўрганган...

— Кўчатинг ишончлими, йигит?

Бу гапим Бахтиёрга унча ёқмади.

— Беш қўл баробар эмас, ака.

— Бундай деяётганимнинг боиси бор, — дейман. — Бир йили шу бозордан менга биров «Субҳони» ўрик, деб роса мақтаб кўчат сотган эди. Лекин ёввойи ўрик чиқиб қолди.

— Албатта, дилингиз ранжиган, — дейди у. — Лекин биз шу ҳунар орқасидан тирикчилик қилиб, бола-чақа боқяпмиз. Агар шаккоклик қилсак, алдасак, бир кун эмас, бир кун тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам-одам билан учрашиб қолади, деганларидек... Ишончни йўқотсак, бундан ортиқ жазо бўлмайди. Аслида мен ўзим бозорга камдан-кам тушаман. Одамлар кўчатларни уйимга келиб, кўтарасига олиб кетишади.

— Агар сир бўлмаса тажрибанг билан ўртоқлашсанг.

— Мен ҳар йили пишиқчилик пайтида айланиб, сўраб-суриштириб, ҳатто, нотаниш ҳовли-боғларга мўралаб, қаерда сархил, кўримли мевалар бор экан, деб қизиқаман. Сўнг боғ, уй соҳибидан мана шу мевангиздан пайвантаг олсам майлими, деб сўрайман. Баъзилар ҳасислик қилишади, баъзилар майли, деб рухсат беришади. Ўзим уларнинг кузатувида новдалардан кесиб олиб, кўмиб қўяман.

— Тезроқ тутиб кетиши учун улашнинг қайси усули маъқул, деб ўйлайсан?

— Ҳаммаси ҳам қунт-ихлосни, маҳоратни, тўғрироғи, заргарона меҳнатни талаб этади. Ускунапайванд дейсизми, куртакпайванд дейсизми, ўз вақтида, қонун-қоидасига амал қилиб иш юритилса панд ейилмайди.

— Боя тожикча усулни ҳам биламан, дегандек бўлувдинг.

— Ҳа, мен бу усулни Тожикистонга борганимда кузатиб туриб, ўрганиб олганман. Бу усул тут пиша бошлаганда, дарахт пўстлоғи танасидан осон кўчадиган пайтда амалга оширилади. Нега дейсизми? Мана, эшитинг. Улаш учун, дейлик, дарахтнинг бармоқдек йўғонликдаги новдасини танлайсиз. Ўткир ток қайчи билан текис қирқасиз. Сўнг бу кесилган новданинг бир бармоқ узунликдаги пўстини гир айлантириб, пичоқ билан кесасиз. Сўнг қўлингиздаги ток қайчининг дастаси билан кесилган пўстлоқнинг қуртагига зиён етказмай аста-секинлик билан уриб чиқасиз. Шунда пўстлоқ бўшаб, ўрнидан кўзғалади ва уни эҳтиётлик билан суғуриб оласиз. Энди сиз ёқтириб қолган мевали дарахтдан ҳам мана шу новдага тенг, диаметри кенглиги тўппа-тўғри келадиган новдани танлайсиз. Бу новдадан ҳам ҳалиги усулда олинган найча-пўстлоққа тенг келадиган пўстлоқни кўчириб оласиз ва уни бояги новданинг ялангоч қолган танасига эҳтиётлик билан кийгизасиз. Сўнг куртакнинг кўзини чиқарган ҳолда лейкопластир билан (уланган қисмни) пўстлоқни маҳкам боғлаб қўясиз. Дарахт танасига айни сув югурган пайт бўлганлиги учун бу усул ғоятда ижобий натижа беради.

— Кўчатларнинг тез тутиб кетиши учун қай маҳалгача экиб олган маъқул?

— Аслида кўчатнинг тутиб кетиши ернинг ҳолати, ориқ-семизлигига, кўчатнинг сархиллиги-ю, янгилигига, экиш қоида-тартибига қандай амал қилинишига боғлиқ. Лекин, менимча, доғда қолмаслик учун кўчатни узоғи билан 15 апрелгача экиб олган маъқул.

Биз ўша куни кўчатчи боғбон йигит билан яна кўп нарсалар ҳақида суҳбатлашдик. У ҳақиқатан ҳам боғдорчилик, кўчатчиликни жондилдан севар экан. Унинг тажрибаси, айрим мулоҳазалари ҳаваскор боғбонларга қўл келиб қолиши мумкин, деган ниятда айтганларини қоғозга туширишга ҳаракат қилдик.

Носир РИХСИЕВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар • одамлар • воқеалар

ХИТОЙ ОСМОНИДА ТОШКЕНТ ТАЙЁРАЛАРИ

ЯҚИНДА Хитой Халқ Республикаси пойтахтида эътиборга сазовор маросим бўлиб ўтди. У Ўзбекистоннинг тайёрасозлик соҳасидаги салоҳиятини яна бир бор жаҳонга кўз-кўз қилди, дейиш мумкин.

Ўзбекистон ва жаҳон

Пекинда «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссадорлик жамияти ва «China Aviation Supplies Import & Export Corporation — AVIAIMPEX» ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Мазкур битим беш йил муддатга чўзиладиган бўлиб, Хитойга Тошкент авиакорхонасида ишлаб чиқариладиган «ИЛ-76», «ИЛ-114» тайёраларини ва уларнинг турли русумларини, шунингдек, илгари сотиб олинган 14та «Ил-76» тайёраларини ишлатишда ХХР учун зарур бўладиган эҳтиёт қисмлар ва бутловчи ускуналарни етказиб бериш кўзда тутилди.

«AVIAIMPEX» савдо компанияси 1980 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг йиллик айланма маблағи 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу компания фуқаролик авиацияси учун тайёралар ва ускуналарни импорт ҳамда экспорт қилишга ихтисослашган. Шу кунга қадар мамлакатга компания томонидан 500дан зиёд тайёра ва тайёрагоҳларда фойдаланиладиган ускуналарнинг катта ҳажми импорт қилинди.

Битимни имзолаш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг ХХРдаги элчиси И. Эргашев, Хитой фуқаролик авиацияси бош бошқармаси раисининг ўринбосари Шэн Юанькан, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар. Баайни шу куни Хитой марказ телекўрсатуви биринчи каналининг кечқурунги янгиликлар дастурида ушбу битимнинг имзоланиши тўғрисидаги лавҳалар намойиш этилди.

«ЖАҲОН» АА.

АЛЬБЕРТ ГОРГА ИМКОНИЯТ БОР

АМЕРИКАЛИК таниқли сиёсатчи Жесси Жексон 2000 йилда бўладиган президент сайловларида ўз номзодини қўймаслигини маълум қилди. АҚШ вице президенти Альберт Гор 57 ёшли Ж. Жексоннинг мазкур қарорини қўллаб-қувватлади. Кузатувчиларнинг ҳамда оммавий ахборот воситалари шарҳчиларининг фикрича, Ж. Жексоннинг навбатдаги сайловда қатнашишдан воз кечгани вице-президент А. Гор учун ғоят фойдалидир. Энди унинг демократлар партиясидаги рақиблари сони биттага камайди. Президент сайловида ушбу партиядан А. Гордан ташқари Нью-жерсилик собиқ сенатор Билл Бредли ҳам президент курсиси учун кураш олиб боради.

Тафсилот

МАШМАШАДАН КЕЙИНГИ ҲАРХАША

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ўтган сонларида Парагвайда юз берган давлат инқирози тўғрисида айрим хабарлар чоп этилган эди. Муштарийларимиз таҳририятга қўнғироқ қилиб, ушбу машмаша хусусида батафсил маълумотлар беришимизни илтимос қилдилар. Қуйида Парагвайда президент шахси атрофида рўй берган воқеалар ҳақида тўхталамиз.

Парагвай президенти Раул Кубас кейинги пайтларда бироз қалтис қадамлар қўйди. Жумладан, ўзи билан вице-президент Луис Мариа Арганья ўртасида сиёсий келишмовчиликлар юзага келди. Оқибатда Л. М. Арганья суиқасд натижасида ўлдирилди. Ўшандан кейин собиқ вице-президент трафдорлари билан Р. Кубас ўртасидаги қарама-қаршиликлар янада кескинлашиб кетди. Боз устига илгари давлат тўнтаришида айбланган ҳарбий қўмондон Л. Овьедони ноқонуний равишда ҳибсдан озод этиш ҳам «яра устига чипқон» бўлди. Унинг бу қилмишини мамлакат парламенти қонунга хилоф деб топди.

Тарафкашлик тўқнашувларида Асунсьоннинг марказий майдонида Р. Кубас истеъфосини талаб қилиб чиққан ёшлардан беш нафари қурбон бўлди. Унга президент ҳамда унинг укаси — ички ишлар вазири Карлос Кубас даҳлдор, деб гумон қилинди.

Бундай машмашалар президент Раул Кубасга нисбатан импичмент жараёнини бошлашга олиб келди. Бироқ, депутатлар бу жараённи охирига етказишга улгурмади. Ўтган якшанба куни Р. Кубас ўз хоҳиши билан истеъфога чиққанини маълум қилди.

Шундан сўнг мамлакат конгресси парламент раиси Луис Анхел Гонсалесни президент деб тан олди. Зотан, у мамлакатдаги ҳукмрон «Колорадо» партиясига раҳбарлик қилаётган эди. Л. А. Гонсалес фаолиятини бошлаши биланоқ янгича қадам қўйди. У янги коалицион ҳукумат таркибини эълон қилди. Унга мамлакатдаги ҳукмрон партиядан олти нафар, шунингдек, муҳолифатдаги партиялардан тўрт нафар вакил киритилди. Бундай саъй-ҳаракат дадил қадам, деб баҳоланди. Чунки, 1947 йилдан буён ўтган 50 йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳукумат таркибида муҳолифат вакиллари умуман бўлмаган эди. Бироқ, машмашадан кейин ҳарҳаша келиб чиқди. Собиқ президент Р. Кубасга даҳлсизлик мақоми ваъда қилинган бўлса ҳам судьялардан бири уни уй қамоғида сақлаш тўғрисида ордер берди. Р. Кубаснинг ўзи ҳам уй қамоғида ўз тақдирини кутиб ётишни истамади. Шу орада Бразилия ҳукумати унга сиёсий бошпана берганлигини маълум қилди. Собиқ президент айни кунларда ўз ватанини ташлаб, Бразилияга жўнаб кетишга ҳозирлик кўраётган бўлса, ажаб эмас.

ЭГИЛГАН БОШНИ ҚИЛИЧ КЕСМАЙДИ

МЕКСИКАДА ўзини Сапатист миллий-озодлик армияси деб атайдиган исёнчилар 1994 йилдан буён ҳукуматга қарши қуролли ҳуружлар ўтказиб келади. Дастлаб мамлакатнинг Чьяпасс штатида тузилган ташкилотнинг сафлари секин-аста оддий одамлар ҳисобига кенгайиб кетди. Ўртадаги можаролар сурункали тус олди. Лекин, бу йўлнинг оқилона эмаслигини пайқаган ҳукумат ҳамда исёнчилар ўртасида можарони тўхтатиш йўлида муайян келишувга эришилди. Бироқ, томонларнинг ўзаро тил топиша олмаганлиги оқибатида мулоқотлар узилиб қолаверди.

Аммо, дарбадарлик жонига теккан исёнчиларнинг айрим гуруҳлари ҳукуматга таслим бўлиш йўлидан бордилар. Куни кеча сапатистчилардан 17 нафари «эгилган бошни қилич кесмайди» қабилида иш тутиб, ҳукумат маъмурларига бўйин эгиб келдилар. Ушбу воқеа маҳаллий ва федерал ҳукуматнинг мавжуд можаронни ҳал этиш борасида юритаётган сиёсатига исёнчилар томонидан тобора кўпроқ ишонч ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

ЎНГЛАНГАНГА «ЎН ТАНГА»

ХАЛҚАРО Валюта Жамғармаси мутахассисларининг таъкидлашича қараганда, Лотин Америкасидаги мамлакатлардан бири — Уругвай сўнгги йилларда иқтисодиётнинг барча жабҳаларида муваффақиятли ривожланиб бормоқда. 1990 — 1998 йилларда мамлакат аҳолиси йилига 0,5 фоиз кўпайгани ҳолда, ялпи ички маҳсулот ўртача 3,75 фоиз ўсди. Шунингдек, бу давр мобайнида пулнинг қадрсизланиш даражаси ҳам анча пасайди. Ўтган йилларда Уругвай ҳукуматининг ўз олдига қўйган барча иқтисодий дастурлари муваффақиятли адо этилди.

Тараққиёт яхши. «Ўнгланганга ўн танга» деганларидек, ХВЖ Уругвайга заҳира кредити сифатида яқинда 95 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилганлигини ошкор қилди. Мазкур сармоялар Уругвай ҳукуматининг 1999 йилги иқтисодий дастурини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Бу дунёнинг ИШЛАРИ

◆ СЕВАСТОПОЛДА Украина хавфсизлик хизмати ходимлари мамлакатдаги жиноий гуруҳлардан бирига тегишли бўлган қурол-аслаҳалар омборини фош этди. У ердан уч килограмм пластит деб ваталадиган портловчи модда, 6та электрон детонатор ҳамда катта миқдорда ўқдорилар топилди. Пластит замонавий портловчи моддалардан бири бўлиб, у тротилга қараганда тўрт баравар катта қувватга эгадир. Омбор яқинда ўлдирилган қримлик жиноятчи — Евгений Поданевга қарашли эканлиги аниқланди.

◆ ГРУЗИЯНИНГ Зугдиди шаҳрида уч нафар қуролланган, юзига ниқоб тортиб олган шахс Халқаро Қизил Ҳоч ва Қизил ярим ой қўмитасининг маҳаллий бўлинмаси идорасига ўғирликка тушиб, у ердан 1000 АҚШ доллари ҳамда 1100 лар (Грузия пули) миқдорида валюта ва шу идорага қарашли «Ниссан-Патрол» автомашинасини ўғирлаб кетдилар. Олиб кетилган автоулов шаҳар яқинидаги Одиши қишлоғида топилди. Полиция текширувларни давом эттирмоқда.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*СПОРТ**СПОРТ

АЁЛЛАР БЕЛЛАШГАНДА

ЗАНГИОТА туманидаги 14-мактабнинг спорт майдонида Аёллар йилига бағишлаб махсус спартакиада мусобақалари ўтказилди.

«АЁЛ ВА СПОРТ» деб номланган ушбу мусобақаларда тумандаги ҳамма мактабларнинг 20 ёшдан юқори ўқитувчи аёллари иштирок этди. Улар спортнинг волейбол, стол тенниси, шашка, юз метрга югуриш, узунликка сакраш, сузиш турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Волейбол, стол тенниси, юз метрга югуриш, узунликка сакраш турлари бўйича совринли ўринларни эгаллаган 33-мактаб ўқитувчилари спартакиада ғолиби бўлишди. 38-мактаб ўқитувчилари иккинчи ва 9-мактаб жамоаси учинчи ўринларни эгалладилар.

Спартакиада ғолиблари ва совриндорларига ушбу спорт тадбирини ўтказиш ҳомийлари бўлган «Камолот» ёшлар жамғармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитасининг қимматли совғалари топширилди.

***СУРАТЛАРДА:** спартакиададан лавҳалар.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Футбол

«СИДНЕЙ — 2000»
БИРИНЧИ ҚАДАМ
ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН — 3:0

СПОРТ мухлисларига маълумки, 2000 йилнинг сентябрь ойида Австралиянинг Сидней шаҳрида ёзги Олимпиада ўйинлари ўтказилади. Олимпиада ўйинлари қаторида футбол турнири ҳам муҳим ўрин эгаллаган.

Футбол бўйича мусобақаларда қатнашиш истагини 150 мамлакат футбол федерациялари билдирдилар. Шулардан 16таси Сидней ўйингоҳларида майдонга тушишлари мумкин холос. Осиё қитъасидан 35та давлат футболчиларига учта ўрин ажратилган. Улар тўққиз гуруҳга бўлиниб, биринчи босқич саралаш учрашувларини бошлаб юбордилар. Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон жамоалари бешинчи гуруҳдан жой олганлар. Куни кеча мамлакатимиз олимпия терма жамоаси мураббий Виктор Борисов бошчилигида биринчи ўйинини ўтказдилар. «Пахтакор» марказий ўйингоҳида Ўзбекистон Қирғизистон олимпия терма жамоасига қарши майдонга тушди. Учрашув 3:0 ҳисобида Ўзбекистон терма жамоасининг ғалабаси билан якунланди. Навбатдаги олимпия турнири саралаш учрашувида Ўзбекистон футболчилари 10 апрель куни ўз майдонларида тожикистонлик футболчилар билан куч синашадилар. Сўнгра сафардаги биринчи ўйинни 24 апрелда Туркманистонга қарши Ашгабатда ўтказадилар.

Ўзбекистон Республикаси саккизинчи миллий чемпионати ўйинлари 6 апрель куни давом эттирилди. Унда вилоятимиз вакили «Дўстлик» жамоаси Бухорода майдон эгаларига қарши майдонга тушдилар. «Металлург» эса ўз майдонида «Самарқанд» жамоасини қабул қилди. Шунингдек, кеча тўртинчи турда «Хоразм» — «Навбаҳор», «Насаф» — «Сурхон», «Зарафшон», — «Андижон», «Суғдиёна» — «Трактор», «Пахтакор» — «Янгиер», «Нефтчи» — «Темирйўлчи» учрашувлари бўлиб ўтди.

Талъат ЮСУПОВ.

Янги асарлардан парчалар

ОНАИЗОР

—Ўша воҳада ундан бошқаси йўқ эди, шекилли!

— Ўзгасини борлигини эсолмайман.

— Тегирмон тоши устидаги дон солинадиган яшикка қопимдаги буғдойни тўкишди. Кичкина новчадан тегирмон тошининг ўртасидаги тешикка дон аста-секин юмалаб тушмоқда. Чирпирак бўлиб айланаётган юмалоқ тош, донни унга айлантиради, пастдаги яшикка оппоқ ун отилиб тушмоқда. Илгари буни кўп кўрган бўлсам-да, буғдойимнинг тезроқ унга айланишини кутаман. Тегирмончи тўпланган унни куракча билан қопимга соларкан, гўё фикримни уққандек ўзича «Ҳозир қоп тўлади!» дейди.

— Шу пайт бирдан «Тақиртўқур» бошланиб, новчадан тушаётган дон атрофга сочилиб, бир донаси пешонамга келиб тегди, — дея суҳбатини давом этирди Мамат бува, — мендан олдинроқда турган тегирмончи энгашиб тошга қараганча бақрайиб қолганди. Иккига бўлиниб кетган тегирмон тошини кўриб, мен ҳам қотиб қолдим. Фақат ўртадаги ўқи тўхтовсиз айланмоқда. Тегирмончи менга ўгирилиб, ишора қилиб:

— Э Худо! Кудратингдан ўргилай! Кўряпсанми? — дейди.

Иккига бўлинган баҳайбат тегирмон тоши орасида ғимирлаётган қора нарсага кўзим тушди. Яқинроқ бориб энгашиб қарадим, Қурбака-ку!...

— Шунга ҳайронман-да, қаёқдан келиб қолди? Тепадан тушолмайди, ердан чиқа олмайди. Яна бақрайиб турипти.

— Тирик, қимирлаяпти!

— Бу Тангрининг қудрати, бўлинган тош ораси ғовак экан, ўша жойдан чиқибди. Яшил «чопони» ҳам бор.

— У ерга қандай кириб қолган? — сўрайман тегирмончидан.

— Буни Оллохдан ўзга ҳеч ким билмайди! Эгамнинг имкони чексиз.

Мен аста қўлимни қурбакага яқинлаштирдим, у тебраниб юра бошлади. Турган жойидаги ун хамир бўлиб қолганини кўрдим.

— Танаси ҳўл экан!

— Ҳўл бўлмай қуруқда турармиди, яратгувчи Эгам ғовак тош ичидаги сувга солиб қўйган-да. Қурбака сувсиз яшолмайди-ку! Шунисига ҳайронманки, бу тошни олдинги йили Човлисойдан қирқтириб олиб келгандим. Тегирмонга қўйганимга ҳам ярим йилча бўлиб қолди. Тош айланганда боши айланиб ўлмадимикан?! — болаларча қизикиб сўрадим тегирмончидан.

— Э бўтам, катта тош орасида сувга солиб қўйган Тангрим ўз махлуқини бало-қазодан асрайди-да!..

Бошқа сўрамадим. Тегирмончи ташқарига чиқиб, парракни айлантираётган сувни қўшимча ташламага буриш учун, новнинг бош қисмини бекитди. Сўнг бўлинган тошни олишда кўмаклашдим. Унинг Човлисойдан олиб келинганини билиб, хаёлимни ўзгача бир ғурур чулғаб олганди. Ўша иликлик, ташқаридаги бутун тегирмон тошини суриб, бир амаллаб ўқ устига ўрнатганимизда ҳам хаёлимни тарк этмади. Қишлоғимиздаги тош қирқиладиган қояни эртагаёқ бориб кўришни дилимга тугиб қўйдим».

Мамат буванинг айтганларига ишонамэн. Чунки ер юзидаги қуруқлик бир пайтлар океан ва денгизлар билан қопланган бўлиб, бундан миллион-миллион йиллар илгари унинг сувлари ҳозирги Арктика томонга окиб кетганлигини фан аниқлаган. Кўнглидан ўтган бобоқанинг неча миллион йилдан бери тош орасида яшаганлиги кишини ҳайратлантиради. Ҳа, бу яратган Эгамнинг мўъжизасидан бўлак нарса эмас.

Тангри қудратига
келтиргил иймон,
Худо ҳукмидадир Ер,
ҳаво, осмон.
Ўз Яратгувчисин танимаса ким,
Билгилки, дунёда борлиги ёлғон.
Шубҳага ўрин йўқ,
ҳақиқат шудир,
Одил, тўғри йўлга
бошловчи Удир.
Оллоҳим деганлар топдилар
нажот,
Коинотнинг якка Ҳақ йўли будир.
Мусулмон одамсан —
шукрингни айтгил,
Разил, вахшиёна ниятдан
қайтгил.
Қутқариб қололмас
оламча бойлик,
То борсан охират
ҳозирлигин қил!

МЕРГАНГА ХУДО БЕРГАН

Эл назари тушмаса, эшак бозорига даллол бўлолмайсан.
Халқ нақли.

Хўжаназар мерган ҳақида онамдан кўп эшитганман. Унинг Ойша деган қизи бизнинг ён қўшнимиз Шамси амакининг ўғли Абдиқул акага турмушга чиққан. Дадам ҳам мерганни кўкларга кўтариб мақтаб:

— Хўжаназар мерган какликнинг гўшти бузилмасин деб, унинг тумшуғидан отади, тўғрими ойиси?! — қолганини онам давом эттирарди.

Човлисойлик Хўжаназар мерган Мамат буванинг дўсти бўлиб чиқди. У тўғрисида кўп нарсани биларкан. Бирга овга чиққанлари, озиқ-овқати тугаб, Бешиктовда қолиб кетгани, фақат гўшт қайнатиб еб кун ўтказгани, ва мерганнинг бундай қийинчиликларга бардошли эканлигини ҳавас билан гапириб берди. Ва:

— Хўжаназарнинг ҳам кўрпа-тўшагини, йиққан-терганини ўша замондаги «Палитирка» мошинасига ортишиб бўлгач, юк устига ўзи чиқиб олди. Қўлида ов милтиғи, унга таяниб, хаёл суриб ўтирарди. Ҳаммани шошириб юрган миршаб, бирдан кўзи тушиб:

— Хой, бобой, Бўкага янги ер очгани борасанлар, ов қилгани эмас! Бу сўзни эшитдими, йўқми, лекин жавоб қилмади. Мен унга:

— Бу киши машҳур мерганлар! — дедим.

— Йўғе, шу бобойми? — ишонмади миршаб.

— Ҳе, сен нима деяпсан, у какликнинг гўштига ўқ тегмасин, деб унинг тумшуғидан уради-ю, сен бобой дейсан! — Қизишиб дўстимни ҳимоя қилдим. У бўлса миқ этмай ўтирибди.

— Ҳозир синаймиз-да! — деди-ю, миршаб, уч томондан салобат тўкиб турган тоғларга қараб, нималарнидир кидирди. Сўнг қўлда доира ҳосил қилиб учаётган калхатга кўзи тушиб, ҳали ҳам ўз хаёли билан банд бўлиб ўтирган Хўжаназарга бакирди.

— Хой, бобой, менга қара! — деди баланд овоз билан. У «Нима дейсан!» дегандек, ўгирилиб қаради.

— Анаву осмондаги калхатни кўряпсанми?! — қўли билан ишора қилди. Шунда қўкка бир қаради-да, бошини лиқиллатди Хўжаназар.

— Агар ростанам мерган бўлсанг, бир ўқ билан уриб туширсанг, бутун оиланг билан қишлоғингда қариялар қатори қолаверасан. Акс ҳолда карвон билан кетаверасан.

Мерган пинагини бузмади. Кўнглидан нима ўтди, Худога аён. Нихоят:

— Мен калхатни отмайман! Унинг ҳам ўз жуфти бор. Улар бир-биридан ажраб қолса йиғлайди. Қарғишига қоламан.

— Афсонангни қўй, аслида қуш йиғламайди, қолаверса, шунча йиғлаганнинг биттасида! Нима бўпти? Ҳозир кетамиз.

— Отақолинг, Оллоҳнинг ўзи кечирар, — дедим илтимос қилиб, ҳамма шуни кутиб турган эканми, барча бараварига:

— Мерган ака, мерган қайним, мерган амаки! Отақолинг! Қушнинг гуноҳини биз бўйнимизга олайлик. Биз чинакам гуноҳкор бўлиб кетайлик. Сиз қолинг. Чолу-кампирлар қаравсиз колади. Ҳеч бўлмаса ов қилиб уларни боқасиз. Сиздек одам Човлисойга керак! — деди кўчётганлар чувлашиб.

Карвонбоши миршаб сўрамай, қатор турган мошиналарга қараб:

— Қани кетдик, ҳайданглар! — деб буйруқ қилди.

Мошиналар «тир-тир»лаб бирин-кетин ўт олиб, жойидан кўзғолди. Юк устида ўтирганлар бир қалқиб тушди. Улар ҳамон merганга имо-ишора қилиб, қўлларини кўкка кўтарганча кетиб боришарди. У эса милтиғини маҳкам ушлаганича, қовоғи осилиб миқ этмасди. Карвон тошлоқ йўлдан қияликка тирмашиб чиқа бошлади. Шу онда беихтиёр Хўжаназарга кўзим тушиб қолди. У бирдан осмонга қаради-да, бирнималар деб, назаримда мўлжалга ҳам олмай, ўша дақиқа ўқ узди. Тоғу тошларга урилган акс садо, минглаб ўқ овозига айланди. Гўё уруш қайтадан бошлангандай бўлиб кетди. Ҳаводан калхатни қидираман, ана, қуш мувозанатини йўқотиб, қанотлари шалвираб, пастликдаги Қизилсой ўзанининг санглоғига «тап» этиб тушди. Мошиналар секинлашди. Буни кўрган карвонбоши сакраб тушиб, merганга яқинлашаркан:

— Қойилман, бобой! Юриб кетаётган мошинада туриб отдинг-а!...

— Мен сенга «бобой» эмасман! — деди норози оҳангда.

— Хўп merган! Гап битта,сен оиланг билан қолавер!

— Жуда яхши иш қилдингиз! — деёлдим фақат, бошқа сўз тополмай.

— Ҳе, Мамат, гуноҳ орттирдим, ўзга иложим қолмади. Кindигим қони тўкилган шу қулбаи ватанимни ташлаб кетишга кўзим қиймади, — кўзи ёшланди, merганнинг.

— Савоб бўлди. Ҳали қариялар дуосини оласиз. Уларнинг ишонган тоғи, суянчисиз ахир. Ўша янги ерларни бир кўрайликчи, насиб этса ҳали учрашамиз. Балки қайтиб келармиз!

— Шўро ҳукумати бўладиган бўлса, қайтармас-ов! — дилидаги гапни айтди у.

— Пешонада борини кўрамиз! — деб кетгандик. Орадан кирқ йилча вақт ўтди. Яқинда Човлисойга бориб, Хўжаназар merган билан бир дардлашиб қайтдим. Анча мункиллаб, кўзлари хиралашиб қолибди. Биз қариялар бир-биримизга суяниб юрамизда... Ҳа, инсон шундай!

Суянмаса одам одамга,
Қайдан олур шунча қудратни.
Ўрганмаса олим олимдан,
Билмас эди бунча ҳикматни.
Ишонмаса Ҳаққа одамзод,
Пок тутолмас қалбни,
иймонни.
Қилмишидан аён ҳар бир зот,
Фарқлай олгунг яхши-ёмонни.
Муштаракдир инсону жаҳон,
Бу дунёнинг суянчи одам.
Бир-бирини йўқотган замон,
Суянчидан айрилар Олам.

Барот ИСРОИЛ.

(Охири. Боши ўтган сонларда).

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил, 31 декабрдаги 541-сонли қарори (14-банди ва 19-сонли илова)га мувофиқ 1999 йилнинг 1 январидан имтиёзлардан фойдаланувчи фуқаролар учун 1999 йилда газдан имтиёзли фойдаланиш меъёрлари қабул қилинди.

	Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм вилояти	Қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича
1. Иситилган майдоннинг 40 м² бўлиши ҳисобидан уй-жойларни иситиш		
— йиллик	2880	2640
— ойлик	240	220
2. Имтиёзлардан фойдаланувчи бир киши учун таом тайёрлаш		
а) марказлашган иссиқ сув таъминоти бўлган квартиралар бўйича (м³)		
— йиллик	108	108
— ойлик	9	9
б) марказлашган иссиқ сув таъминоти бўлмаган квартиралар бўйича (м³)		
— йиллик	150	150
— ойлик	12,5	12,5

Эслатма: имтиёзли тарифлар бўйича ҳақ тўлаш учун табиий газни сарф қилиш меъёри уйда табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олувчи жиҳозлар (газ ҳисобдони) бўлишидан қатъий назар қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил, 31 декабрдаги 541-сонли қарори (14-банди ва 19-сонли илова)га мувофиқ 1999 йилнинг 1 январидан имтиёзлардан фойдаланувчи фуқаролар учун 1999 йилда газдан имтиёзли фойдаланиш меъёри белгиланиши масаласи бўйича тушаётган сўровлар муносабати билан Молия вазирлиги қуйидагиларни тушунтиради:

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори билан жорий қилинган имтиёзли тарифлар бўйича ҳақ тўлаб табиий газни сарф қилиш меъёрлари, республикада амалда бўлган қонунлар билан, табиий газ учун ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар берилган барча тоифадаги фуқароларга нисбатан қўлланилади. Бунда амалдаги қонунларга мувофиқ табиий газ учун ҳақ тўлаш бўйича берилган имтиёзлар — 100 фоиз, 50 ва 30 фоиз сақланиб қолади.

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори билан киритилган имтиёзли тарифлар бўйича ҳақ тўлаш учун табиий газ сарф қилиш меъёрлари уй-жойда ҳисобга олиш жиҳозлари (газ ҳисобдони) мавжудлигидан қатъий назар қўлланилади.

Уй-жойларни иситиш учун фойдаланиладиган табиий газ ҳақини тўлаш бўйича қонунлар билан имтиёзлар берилган барча тоифадаги фуқаролар бўйича тўловлар 1999 йил, 1 январдан, оиланинг имтиёздан фойдаланувчи аъзолари сонидан қатъий назар, оила учун ойига 40 квадрат метр иситиладиган майдон ҳисобидан келиб чиқиб имтиёзли тариф бўйича ҳисобланади.

Таом тайёрлаш учун фойдаланиладиган табиий газга тўловлар тўлаш ҳисобланганида қонунларда фақат табиий газ учун ҳақ тўлаш имтиёзи берилган кишига имтиёзли тариф бўйича газ берилиши ҳисобга олинади.

Бунда уй-жойнинг қулай шароитлилиги даражасига боғлиқ ҳолда имтиёзли тариф бўйича газ бериш меъёри қуйидагича белгиланган:

- марказлашган иссиқ сув таъминоти бўлган квартиралар бўйича меъёр ойига 9 куб метр (бир нафар имтиёзли киши учун) қилиб белгиланди;
- марказлашган иссиқ сув таъминоти бўлмаган квартиралар бўйича ойига 12,5 куб метр;
- уйда, квартирада қонунлар билан табиий газдан фойдаланганлик учун имтиёзли тариф бўйича ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилган бир неча киши истиқомат қилаётган бўлса, таом тайёрлашда табиий газдан фойдаланганлиги учун тўловлар ҳисобланганида ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар ҳар бир имтиёзли фуқарога берилади.
- Таом тайёрлашда сарфланган табиий газ учун ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар боқувчисиз қолган ҳолларда, ҳалок бўлган ҳарбий хизмати учун пенсия олувчи оила аъзоларига ҳам берилади (уларга бундай ҳуқуқ қонунларда берилган бўлса).
- Табиий газни ҳисобга олувчи жиҳозлар (газ ҳисобдони билан) жиҳозланган уйлар, квартираларда ҳам табиий газни имтиёзли тарифларда бериш шу тартибда меъёрланади.
- Иситишга — оиланинг имтиёздан фойдаланувчи аъзолари сонидан қатъий назар ёки иситиладиган майдоннинг ҳар бир квадрат метрига табиий газ сарфланишини ҳисобга олиб ҳар бир оила учун 40 квадрат метр иситиладиган майдон;
- Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти учун ойига 240 куб метр ёки йилига 2880 куб метр;
- қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун ойига 220 куб метр ёки йилига 2640 куб метр.

Иситиш мавсуми ноябрь ойидан март ойигача (5 ой) давом этиши белгиланганини ҳисобга олиб, шу даврда имтиёзли тарифлар бўйича ҳақ тўланадиган иситишга газ беришнинг ойлик меъёри Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун 576 куб метр (2880:5=576), қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун 528 куб метр (2640:5=528) ҳажмида белгиланади;

- таом тайёрлаш учун имтиёздан фойдаланувчи бир кишига, оила аъзоларини ҳисобга олмасдан, газ беришнинг юқорида кўрсатилган меъёрларидан келиб чиқиб белгиланади.

Шу меъёрлар асосида имтиёзли тарифлар бўйича ҳақ тўланадиган табиий газ ҳажми (м³) газ счётчигининг амалдаги кўрсаткичлари ҳажмидан чегириб ҳисобланади, қолган фарқ ҳаки (имтиёзли тарифлар бўйича ҳақ тўланиши лозим бўлганидан ортиқча ҳажми) газ счётчиклари бўлганида коммунал маиший эҳтиёжлар учун табиий газдан фойдаланганлик учун белгиланган табиий газнинг ҳар 10 м³ учун тариф бўйича тўлиқ нархда тўланади. Яъни 1998 йилнинг 1 июлидан қуйидаги тарифлар амалда: Тошкент вилоятида ҳар 10 куб метр газ учун — 25-38 сўм, республиканинг қолган ҳудудларида — 24-51 сўм.

Иссиқ сув билан таъминлаш учун газ билан ишлайдиган сув иситгичлари мавжуд бўлган уйларда, квартираларда (марказлашган иссиқ сув таъминоти бўлмаган ёки вақти-вақти билан ишлаб турадиган иссиқ сув таъминоти бўлган)да шу мақсадлар учун фойдаланиладиган табиий газга ҳақ тўлашни ҳисоблаш учун 1999 йилнинг 1 январигача амалда бўлган тартиб 1999 йилда сақлаб қолинади. Яъни, табиий газ учун ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлардан фойдаланадиган фуқароларга газ билан иситгичлар учун имтиёзли тарифлар бўйича газ сарфлаш меъёри белгиланмаган.

Шу мақсадларда фойдаланиладиган табиий газ учун тўловлар имтиёзли тарифлар бўйича ҳисобланади. Имтиёзга эга бўлган фуқаро учун шунингдек, у билан бирга яшовчи оила аъзолари учун, улар имтиёздан фойдаланувчи қарамоғида бўлиши ёки мустақил иш ҳаки олишларидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил, 25 майдаги 249-сонли қарорида назарда тутилганидек ёки табиий газни ҳисобга олувчи жиҳозлар (газ ҳисобдони) бўлса, счётчикларнинг кўрсатиши бўйича ҳар бир яшовчи ҳисобидан 9 куб метр меъёр бўйича имтиёзли тариф бўйича ҳақ олинади.

Турар-жойда, квартирада иккита ёки ундан ҳам ортиқ газ жиҳозлари (плиталар ёки иссиқ сув таъминоти учун сув иситгичлар) бўлиши, бу жиҳозлар учун газ сарфи икки баравар ва ундан кўпроқ сарфланиши ҳисобга олиниб, имтиёзлардан фойдаланувчи фуқароларга имтиёзли тарифлар бўйича етказиб берилаётган газ меъёри ҳам икки баравар ва ундан ортиқ кўпайтирилади.

«Тошвилоятгаз» бошқармаси.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 7-11 апрель кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, дўлга айланиши мумкин.

Шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 15-20 метргача кучаяди. Кечалари 7-12 даража атрофида, кундуз кунлари 10-15, 16-21гача илиқ бўлиши кутилади.

Миробод туманидаги 1-СТОМАТОЛОГИЯ ПОЛИКЛИНИКАСИ **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 199-71-23 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти, Паркент туманидаги «Қорақалпоқ» жамоа хўжалиги ширкат хўжалигига айлантирилиши муносабати билан **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0268. Ҳажми 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр курсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6